



Ishonch

МОХИЯТ

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил деб очаси, маънавий-тимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Касаба уюшмалари НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ТАШКИЛОТЧИСИ



Баҳор

Баҳор, латофатинг нақадар кўрам,
Ҳавасим келади сенга жуда ҳам.
Яшил майса билан қопланар сайхон,
Оламни ифорга тўлдирар райхон.

Баҳорий тароват, борлиқ узра нур,
Бир ажиб илиқлик, бир ажиб сурур.
Эй дўст, дийдор талаб дўста кучок оч,
Айвонингга келди оқтўш қалдирғоч.

Эрта кўклар қирда невар ва чол
Зағу ниёт билан ўтқазар ниҳол.
Гўё катталашиб қолгандай офтоб,
Ийғитлар ишқдан маст ичмай майи ноб.

Тоғлар ёнбағрида ойдин булоқлар,
Жилга мисли қулун — чопар, ўйноқлар.

Ёмғирдан қайгадир қочар капалак,
Осмоғда ёй тортар рангин камалак.
Балиқлар чўмилилар дарё мавжиди,
Оқулар болалар баҳор авжиди.

Барини яратмиш Холиқ таоло,
Фақат Унга бўлсин барча ҳамд-сано.
Баҳорга ошурфта шоир ва дехқон,
Хўб, кўп бўлсин ашёр,
Мул-кўл бўлсин дон.

Мирза КАЙРАРОВ,
Касаба уюшма фахрийси,
Сардаба тумани

Табиат мукамал экан бунчалар,
Гуллардан андоза олар гунчалар.

Бош келишувни ўқиб... Инсон омилига эътибор

Жамоа шартномалари ва келишувлар касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этса, ижтимоий шериклики уларни амалга ошириш механизми дейиш мумкин. Касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш масаласига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг II мажлисида алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош Келишувнинг имзолангани касаба уюшмалари ҳаётида қувончли воқеа бўлди. Мухим мақсадлар ифодаланган мазкур ҳужжатда Президентимиз томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришга қўмаклашиш ҳам баён қилинган.

Ҳужжатда ижтимоий масъулиятнинг бундан буён ҳам уч томонлама тақсимланиб бориши тан олинди, ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойиллари амалга оширилиши акс этган.

Бош Келишувда тарафлар мажбурияти энг долзарб йўналишларга қаратилганини кўрамыз.

Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, у ўз вақтида тўлалишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномалари ролини ошириш, зарур жойлардаги назоратда ижтимоий шериклар иштирокини таъминлаш каби масалалар ҳам ўрин олган.

Мазкур Бош Келишув ижтимоий шериклигининг асосий ҳужжати сифатида эътироф қилинар экан, кўзланган мақсад — инсон омилига янада чуқурроқ эътибор қаратишдан иборатлигини қалбан ҳис этдим.

Ёқуб РУСТАМОВ,
Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

Тадбир Сарҳисоб ва вазифалар

Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма қўмиталари раислари кенгашининг I мажлисида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ҳамда касаба уюшма ташкилотлари олдида турган асосий вазифаларга эътибор қаратилди.

Кенгаш раиси Шокиром Исроилов мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция, 2011 йилдаги устувор йўналишлар ҳамда Республикамиз касаба уюшмалари Федерацияси V Курултойи ва II мажлиси қарорлари юзасидан олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш, нодавлат сектор корхоналари ходимларини касаба уюшмага жалб этиш, кичик бизнес ва тадбиркорликка қўмақ бериш ҳамда «Уста-шоғирд» усулини кенг оммалаштириш шулар жумласидан.

Мажлисида сўзга чиққанлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нурилла Насимов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши Ватанимиз иқтисодиётини янада ривожлантириши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юксак поғоналарга олиб чиқиши, мазкур соҳа вақиллари учун янги-дан-янги имкониятлар эшигини очиши аниқ.

Дастур доирасида Самарқанд шаҳрида барпо этилиши режалаштирилган «Еш туристлар меҳмонхонаси» ишга тушган, янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, касаба уюшмалари томонидан республикада туризмин ривожлантириш, ай-

Касаба уюшмалари дастури — амалда

Юрт тараққиёти ва дастурхон тўкилиги барчамизга масъулият юклайди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» қарори асосида республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган дастур ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда босқинма-босқин амалга ошириб келинаётган ислохотлар авваламбор, инсон омили ва инсон манфаатларини кўзда тутади. Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган мазкур дастурда ҳам асосий эътибор инсон ва унинг манфаатларига қаратилган.

Дастур доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий-услубий ёрдам қўламини кенгай-

тирилади. Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиниши даражасини ошириш, имзоланмаган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кичик бизнес субъектларига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари харид қилиш харажатларини қисман қоплаш тадбирлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг меъёр ва қондаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ва уларга меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам дастурдан ўрин олган.

ниқса, тарихий обидалар ва қадимий ёдгорликларга бой шаҳарларимиздан бири бўлиши Самарқандга ёшлар саёҳатларини уюштириш орқали улар оғинга миллий қадриятларини чуқур сингдириш, маънавиятларини юксалтириш имкониятлари янада кенгайди.

Болалар оромгоҳларидаги бўш ёр майдонларига мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтказиб, янги боғлар барпо этиш ҳамда сабзаёт ва полиз маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш орқали моддий ва маънавий манфаатдорлик баробарида атроф-муҳитнинг экологик софлигини яхшилашга ҳам ўзига хос ҳисса қўшилиши.

Касаба уюшмалари дастурида тармоқ касаба уюшмалари ва тегишли корхона, ташкилотлар маъмуриятлари ҳамкорлигида ёрдамчи ҳўжаликлар, кичик корхона ва цехларни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш масалаларига ало-

қиди эътибор қаратилган. Шунингдек, республикада ўтказилган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг Қорақалпоғiston Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқинчида «Энг яхши фермер», «Энг яхши хўнарманд» ва «Энг яхши тадбиркор» номинациялари бўйича фахри ўрини эгаллаганлари касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланмалар билан тақдирлаш, бир қатор кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ходимларини касаба уюшмалари санаторийларида, соҳа ходимларининг 4320 нафар фарзандини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли равишда соғломлаштириш ҳам режалаштирилган.

Бундан ташқари, Дастур доирасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида меҳнат жаомаларида ва ёшлар ўртасида мулоқот ҳамда учрашувлар ташкил этиш, олий ва ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасаларида тахсил олаётган ёш касаба уюшма фаолилари ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Ёшлар кенгаши аъзолари билан биргаликда «Ёшлар ва тадбиркорлик» мавзусида давра суҳбатла-

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши институт маъмурияти билан ҳамкорликда «Наврўзи олам юрт кезмоқда» байрам тадбирини ўтказди.

Юртимизда байрам шукуҳи

Байрам тадбирида институт ректори профессор Жўрабой Собиров ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Гулаломжон Ҳалимбеков. — Ободонлаштириш ишлари, умумхалқ хашарлари юртимизни чиндан-да жаннатмакон гўшага айлантираётганидан хурсандимиз.

Хушовоз хонандалар ва «Эй санам» рақс гуруҳи тақдим этган концерт дастури йиғилганларга манзур бўлди. Тадбир давомида «Энг фидойи ходим», «Энг оила-ноб устоз», «Энг фаол оидент» сингари етти номинация бўйича голибларга тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва вилоят кенга-

зарали ва 50 туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. — деди институт касаба уюшма ташкилоти раиси Фуломжон Ҳалимбеков.

Шунингдек, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақалари голиблари, спорт мактабининг кураш, каратэ, бокс аъзолари ранго-



ранг дастурларини намойиш этидилар. «Атлас» ўйингоҳида волейбол, баскетбол, теннис, футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Нуриддин Асқаров, Аъзамжон Аҳмадалиев, Элёр Эрназаров, Комилжон Аҳмедов, Дилором Султонова, Абдуқадир Ортиқов ва бошқа санаторийларнинг дилрабо кўшиқлари, рақс гуруҳининг янги дастури байрамга ўзига фойиз киритди. Наврўз шодиёналари шаҳардаги маҳалларда катта кўтариш билан ўтказилмоқда.

Мухаммадjon МАХМУДОВ

Марғилон шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик ниҳоясига отқазилмоқда. Тантаналар асосан Маъмурият Узоқов номи маданият ва истироҳат боғи амфитеатрида ўтказилади. Бундан ташқари, фавворалар майдонида, Янги Марғилон шаҳарчаси боғида, Ёшлар хиббонида ранг-баранг томошалар ташкил этилади.

Байрамда шаҳар маданият ва спорт бўлимининг «Қодир жамол» этнографик халқ ансамбли, кўғирчоқ театри, педагогика, тиббиёт, енгил саноат ва педагогика, қурилиш, банк, иқтисодиёт, миллий хўнармандчилик, политехника коллежлари, академик лицей, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари бадийи жамоалари театрлаштирилган кўнгилочар томошалари билан қатнашди. Шунингдек, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақалари голиблари, спорт мактабининг кураш, каратэ, бокс аъзолари ранго-

ранг дастурларини намойиш этидилар. «Атлас» ўйингоҳида волейбол, баскетбол, теннис, футбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Нуриддин Асқаров, Аъзамжон Аҳмадалиев, Элёр Эрназаров, Комилжон Аҳмедов, Дилором Султонова, Абдуқадир Ортиқов ва бошқа санаторийларнинг дилрабо кўшиқлари, рақс гуруҳининг янги дастури байрамга ўзига фойиз киритди. Наврўз шодиёналари шаҳардаги маҳалларда катта кўтариш билан ўтказилмоқда.

Мухаммадjon МАХМУДОВ

Наврўзнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, самимийлик ва шодлик улашиш, Янги кунни ўзгача кўтариш билан қутиб олиш, келажак сари дадил оидимлаш каби ўзига хос қирралари «Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонасида ўтган байрам тадбирларида алоҳида намойиш бўлди.



Байрам муносабати билан корхонада ишлаб кетган 650 нафар фахрийларга озик-овқат маҳсулотлари ажратилди. Уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Наврўз тантанаси тўйларга уланиб кетди. Кам таъминлан-

ган 46 нафар ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига 30 минг сўмлик омонат дафтраси ҳамда қимматбаҳо совғалар берилди.

Жорий йилда юбилей ёшига етган, яъни, 50, 60, 70 ёшли 78 нафар ходим эъзозланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, нафақага чиқайтган 81 нафар фахрийга қимматбаҳо ҳадялар билан эҳтиром кўрсатилди.

Китоб тўманидаги Меҳрибонлик уйи корхона оталиғида. Бу ердаги 100 нафар тарбия-

ланувчининг ҳар бирига 50 минг сўмдан омонат дафтраси ҳамда шахсий гигиена воситалари совға қилинди. Болалар учун байрам дастурхони ташкил этилди.

Корхонага қарашли барча мажмуа, кон ва цехларда тасдиқланган жадвалга асосан Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Кураш, футбол ва волейбол бўйича ўтаётган аънаваный спорт мусобақалари ҳам ишчи-хизматчиларга байрам кайфиятини ҳадя этмоқда.

Шароф РАҲМАТОВ,
«Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

● Қарор ва ижро

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Конференциясида делегатлар томонидан билдирилган танқид, фикр-мулоҳазаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар белгиланган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган давр мобайнида асосий эътибор бошланғич ташкилотларнинг мавқеини ошириш, айниқса, нодавлат сектори тизимидаги корхона, ташкилотларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш масаласига қаратилди.

**Фаолиятни
такомиллаштириш
йўлида**

Авваламбор, солиқ, статистика органлари кўмағида ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик тизими корхоналарининг рўйхати олинди. Деярли 200 га яқин ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган давр мобайнида бирлашмага 44 ёзма, 560 та оғзаки мурожаат тушди. Улар белгиланган мuddатларда кўриб чиқилди, тегишли тушунтиришлар берилиб, жойларга чиқиб масала ўрганилди.

Меҳнаткашларни, айниқса, ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларни, ёшларни, ёш болалари аёлларни, ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини, саломатлигини муҳофиза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Касаба уюшмалари томонидан касаначиларнинг меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш, соғлигини муҳофиза қилиш тадбирлари келишувлар ва жамоа шартномаларида акс эттирилишига эришилди. 1500 дан зиёд касаначи касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинди.

Аъзоларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш доимий диққат эътиборимизда. Жумладан, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг аралашуви билан Урганч тумани «Корамон» қишлоғида яшовчи фуқаро Шоира Шерова Урганч қурилиш касб-хунар коллежига уста лавозимига, Янгигазор тумани Қаландардўрман қишлоғи «Бўстон» маҳалласида яшовчи фуқаро Улуғбек Яхшимуратов Янгигазор тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказига, Урганч тумани Юқорибог қишлоғидаги «Ҳамид Олимжон» маҳалласида яшовчи фуқаро Фирюза Жуманова Хива «Муруват уйи»га врач лавозимига, Шўхрат Аҳмедов Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимига, Хонқа туманида яшовчи фуқаролар Нигора Собирова, Тўхтажон Давлатова, Зулфия Юлдошева Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жаъмағмаси Хоразм вилоят бошқармаси Хонқа тумани бўлимига, Урганч шаҳрида яшовчи Дилфуза Жуманазарова Урганч қурилиш касб-хунар коллежига бўлим бошлиғи лавозимига ишга тикланишди.

Меҳнат муҳофизаси, хавфсиз иш шароитлари яратиш иш унумдорлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. 2010 йилда 586 та корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг 2532 та бузилиш ҳолатлари аниқланди. Касаба уюшма органларининг аралашуви билан 1746 та камчилик бартараф қилинди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳат олганларга, боқувчисини йўқотганларга амалий ёрдам кўрсатилди. Фуқаролик ишлар бўйича судларга 4 та даъво аризаси киритилди.

Аъзоларни соғломлаштиришга эътибор кучайтирилди. 830 нафар ходим имтиёзли йўлланма билан таъминланди. Жумладан, 72 та йўлланма кам таъминланган ва кўп болали оилалар, байналмилал жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ва ишловчи ногиронларга бепул тарқатилди. Баркамол авлод йилида оромгоҳларда 5275 нафар бола соғломлаштирилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида таҳсил олаётган иқтисодий талаба ва ўқувчиларнинг 24 нафарига касаба уюшмаларининг устама стипендиялари жорий қилинди. Талаба ва ўқувчиларнинг 289 нафарига, 183 нафар ёш ўқитувчи ва мураббийга моддий ёрдам кўрсатилди, талаба ва ёшлардан 832 нафарининг Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларига савҳати бартараф қилинди.

Спорт тадбирлари уюштиришга эътибор оширилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ва болалар оромгоҳлари дам олувчилари ўртасида касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти раҳбарлигида 33 та спорт мусобақаси ва спартакиадалар ўтказилди.

Бундай тадбирларни янада уюшқоқлик билан ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, аъзолик афзалликларини асослаш юзасидан фаолиятни такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Озод ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудир

● Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди



Бундан 5-6 йил илгари бир танишим ўғли коллежни тугатгани-ю, иш топа олмай қийнаётгани ҳақида гап очиб қолганди. Дарҳақиқат, кейинги пайтда бу борада ёшлар ўртасида кўп рақамли муаммолар учраётгани сир эмас.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мазкур муаммага ечим топиш борасида аниқ кўрсатмалар берилди. Масалани ҳал этиш кўп жиҳатдан ёш мутахассисларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганиши мўлҳаза таъкидланди.

Шу муносабат билан муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш, «Корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама йўлга қўйиш лозим. Бундан асосий мақсад, ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгиллаш, ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этишдир.

Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-хунар коллежидан бу борада


рада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ҳар бир ўқувчининг қайси корхонада, цех ёки бўлинмада, қайси устанинг қўли остида ишлаб чиқариш амалиётини ўташининг аниқ режаси тузилган, — дейди коллеж касаба уюшма кўмитаси раиси Комилжон Норматов. — Бир сўз билан айтганда, «Усто-шоғирд» аънъанаси давом этмоқда.

Мазкур коллеж битирувчиларининг салмоқли қисми ишлаб чиқариш амалиётини «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамиятида, Чирчиқ трансформатор, «Чирчиқ-қишмаш» заводларида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинатида ўташмоқда.

Илгари мазкур ўқув масканида ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари учун 300 га яқин корхона билан шартномалар тузилган эди. Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдан сўнг 520 нафар ўқувчи учун 18 та корхона ҳамда муассаса танлаб олиниб, ишлаб чиқариш амалиётини ўташга янада жиддий киришилди. Шу мақсад-

**«Ўқишни тугатиб
шу корхонада ишлайман»**



да Чирчиқ шаҳридаги корхона билан алоқа мустаҳкамланяпти. Корхоналар раҳбарлари ҳамда мутахассислар билан давра суҳбатлари ҳамда очик мулоқотлар ташкил этиляпти.

Корхона раҳбарлари бу масалага қандай ёндашмоқда? Айтиш мумкинки, «Максам Чирчиқ» ОАЖ бошқаруви раиси Х.Сайдахмедовнинг: «Муаммоларнинг деярли барчаси ўз ечимини топди деб ҳисобланганга бўлади. Бундан буёнгига бошқача бўлади. Коллеж муаммолари — менинг гаплари учун 300 га яқин корхона билан шартномалар тузилган эди. Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдан сўнг 520 нафар ўқувчи учун 18 та корхона ҳамда муассаса танлаб олиниб, ишлаб чиқариш амалиётини ўташга янада жиддий киришилди. Шу мақсад-

да Чирчиқ шаҳридаги корхона билан алоқа мустаҳкамланяпти. Корхоналар раҳбарлари ҳамда мутахассислар билан давра суҳбатлари ҳамда очик мулоқотлар ташкил этиляпти.

лиётини ўташ бўйича 117 та ўқувчи шартнома тузилган. Амалиёт ўтаётган ҳар 4 нафар ўқувчига корхонанинг малакали устаси бириктирилган. Уларга амалиёт жараёнида ўқувчиларга иш



ла-коллеж-корхона» ҳамкорлиги ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини тўғри ташкил этишнинг муҳим омилдир. Коллежнинг «Автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сошлаш» мутахассислиги бўйича таълим олаётган 3-босқич ўқувчиси Ирода Саъдуллаевани «Максам-

ўргатганликлари учун корхона томонидан алоҳида ҳақ тўлашни белгиланган. Ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш корхонанинг техник қўли бўлиши бошлиғи С.Йўлдошев, бош метролог М.Примов, муҳандис Р. Абланова, бош энергетик А. Теллебаева назоратидан.

Чирчиқ» ОАЖнинг марказий лабораториясида иш устида учратдик. Унга Роза Абланова устозлик қилаётган экан.

— Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида турли асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва дастгоҳлардан фойдаланишни ўрганиб олдим, — дейди Ирода. — Бунда устозим Роза опанинг хизматлари катта. Ўқишни битириб, албатта шу корхонага ишга келаман.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

● Бандлик

Самарадорлик омили

Олот нефт ва газ қидирув экспедицияси маъмурияти жорий йилда янги иш ўринларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, биринчидан, экспедициянинг иқтисодий самарадорлигини оширса, иккинчидан, кўплаб кишиларни иш билан таъминлаб, оиласига кутбарака олиб қиради.

— Ўтган йили 10 та қўшимча иш ўрни яратган бўлсак, бу йил улар сони яна 17 тага кўпайди, — дейди экспедициянинг қурилиш-таъмирлаш бўлими бошлиғи Норкул Ниёзов. — Асосан қишлоқда яшовчилар ҳисобидан касаначилар сафини кенгайтираямиз. Қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайгани туфайли уларнинг меҳнатига эҳтиёж ошиб бормоқда.

Корхонада 492 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилади. Уларнинг асосий иш ўринлари чўлда. Яъни нефт ва газ конларида. Шундай экан, ходимлар эҳтиёжи учун махсус кийим-кечак, ишни қўлқоплари, чойшаб, кўрпа-ёстиқ жилдларига талаб катта. Корхона касаначилари томонидан тайёрланаётган ашёлар сифатли ҳамда бозор нархидан анча арзон.

Қўшимча иш ўринларига эга

бўлганларнинг хизматидан жамоа аъзолари мамнун. Айниқса, касаначилар Гулсара Жумаева, Баҳриниса Бозорова, дурадгорлар Анвар Файзиев, Баҳриддин Шодмонов, йўлак плиталари тайёрловчилар Суннат Курбанов, Ўлмас Юнусов, маиший хизмат кўрсатиш усталари Саъдулла Арабов, Мансур Неъматовнинг саъй-ҳаракатлари корхонага катта манфаат келтирмоқда.

Экспедиция касаба уюшма кўмитасининг раиси Сафар Тоғаевнинг эътирофи эътиҳаш, қўшимча иш ўрнига эга бўлганлар жамоанинг доимий ишловчи ходимлари билан тенг имкониятларга эга. Улар учун меҳнат дафтарчалари юритилади. Ойлик маошларини ўз вақтида олиб, меҳнат таътилига чиқишди. Лозим бўлганда, уларга моддий ёрдам ҳам берилди. Шунингдек, дам олиш, саломатликларини мустаҳкамлаш ва бошқа имкониятлардан тўлиқ фойдаланишди.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ташкилотларида

Вакилликимиз таркибидан 87 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларга 4012 нафар аъзо бирлашган. Аммо вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар сонини инобатга олганда, бу миқдор етарли эмас. Шунинг учун Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг дастлабки қурилишда янги аъзоларни жалб қилишга жадал киришди. Ўтган икки ойда аъзолар сони 300 нафарга кўпайди.

**Икки ойда
300 нафар
аъзо**

Афсуски, кичик ташкилотлар фаолиятининг қисқалиги ёки рақобатга бардош беролмаслиги ҳисобига гоҳо йўқотишлар ҳам бўлиб турибди. Аммо жойларда ўтказилаётган юзма-юз мулоқотлар, учрашув ва савол-жавоб кечалари касаба уюшма афзалликларини тадбиркорлар онгига етказишда қўл келаётир.

Бу йил тадбиркорликда туз буртилишлар юз беришига имонимиз комил. Биз ҳам ўз ўрнида соҳа ходимлари меҳнат муҳофизасини таъминлаш, янги иш ўринларини жорий қилиш, иш ҳақининг вақтида тўланишига эришиш борасида уларга яқиндан маддадор бўлишга интиляемиз. Жорий йилда 150 нафар тадбиркорни сийхатгоҳларда дам олишларини ташкиллаштириш режалаштирилган. 70 нафар соҳа ходими фарзандлари эса ёзги оромгоҳлар кўнида дам олдирилади. Ишнинг ҳар томонлама самарали кечишида «Ўзлугуржисавдоинвест» ассоциацияси, Хунармандлар уюшмаси, Бозорлар уюшмаси, «Матлубот савдо», туман ва шаҳар ҳокимликлари ва «Маҳалла» жамғармалари билан кечаётган баҳам-жихатлик қўл келаётир.

Манзура ҚУДРАТОВА,
Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси
Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакили

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»

Кадрли ватандошлар!

Баҳорнинг гўзал ва тароватли байрами — Наврўз муборак!

Қалдирғочлар бутун дунё эзгуликларини канотларида олиб келаётган кутлуғ кунларда юртимизга ўзгача файз қиради. Бу файз — кўклам шукуҳи, Наврўз қувончидир.

Шундай саодатли онларда ҳар бир юртдошимизга сийхат-саломатлик, хонадонларига кут-барака, Ватанимиз раванқини кўзлаб амалга ошираётган ишларига унум ва ривож тилаймиз!

● **Бу ҳақда Қурултойда гапирилган эди**

Назаримда, бу йилги баҳор қишлоғимизга ўзгача тароват олиб келди. Меҳнаткашлиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан воҳада доврқ қозонган ҳамқишлоқларимиз эрта кўклардан яратувчанлик ишларини бошлаб юборишди.

Ҳамкорлик

Бешмерган қишлоғида фаолият кўрсатаётган 41 та фермер хўжалигининг 26 таси боғдорчиликка ихтисослашган. Туманимиздаги энг катта боғ майдонлари шу ҳудудда жойлашган бўлиб, уларга 162 га ер майдони ажратилган. Мавжуд 982 оилага 82 га ер майдони томорқа учун ажратилган.

Биз қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари билан биргаликда ҳудуддаги ҳар бир фермер ва томорқа эгалари билан учрашиб, ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш ҳолатини, дала маданиятини ўрганиб чиқдик ва тадбирлар белгилдик.

Хозирги кунда барча фермер хўжаликлариди, аҳоли томорқаларида, дала четларига, ариқ, коллатор бўйларига кўчат экиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ бўйича ўтказилажак ниҳоллар 57520 туپни ташкил этади. Талаб қилинадиган кўчат ва қаламчаларнинг бир қисмини ҳудуддаги фермерлар таъминлайдиган бўлди.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги қарорига кўра, вилояти-

мизда чорва бош сонини кўпайтириш, қорамоллар наслини яхшилаш бўйича талай ишлар қилинди. Бу борада касаба уюшмаларининг ҳам улуши бор. Жойларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов раҳбарлигидаги мониторинг гуруҳлари фаол иш олиб бормоқда. Улар фермерлар ва аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказиб, соҳа мутахассислари тавсияларига кўра, наслчилик ишларини янада яхшилаш тўғрисида тарғибот олиб боришяпти. Натижанда, фермерлар ва аҳолидаги қорамолларни сунъий урулантириш бўйича хўжалигимизда ташкил қилинган «Сунъий қочирини» шохобчасига мурожаатлар кўпайди.

Ҳадемай, ниҳоллар буй чўзади. Ўртимиз боғ-роғга бурканади. Жумладан, бизнинг Бешмерган ҳам...

Шухрат ҲАДОБОВ,
Шовот тумани «Уста Матсафо»
фермер хўжалиги раҳбари,
Бешмерган қишлоқ фермер
хўжаликлари касаба уюшма
қўмитаси раиси

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси

Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан самимий табриклайди.
Халқимизга фаровонлик,
тинчлик ва омонлик, бахт-саодат,
иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди!



● **Ташаббус қанот ёзмақда**

Турсунбой ота Убайдуллаевни Оқолтин туманида миришкор боғбон сифатида яхши танишади. Салкам саксонни қоралаётган бу отахон бутун умрини боғ яратиш билан ўтказди.

Чўлда бўстон яратган

Асли андижонлик Турсунбой ота ўтган асрнинг саксонинчи йилларида оиласи билан чўлга кўчиб келган. Унинг ташаббуси билан тумандаги «Фаргона» хўжалигида кўчатчилик майдони ташкил этилди. Беш гектар шўрхок ер ўзлаштирилиб, кўркам боғ яратилди. Ўрик, шафтоли, анор, анжир, олма, олхўри, ток кўчатлари ўтказилиб, меҳр билан парваришланди. Қисқа фурсатда кўчатчилик майдони оғизга тушди. У тумандаги барча хўжаликларга шартнома асосида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берди. Отахоннинг савй-ҳаракати билан туманининг чўл ҳудудларида бир-биридан чиройли боғлар барпо этилди.

Чўлни боғ-бўстонга айлантиришдек хайрли мақсадга бел боғлаган отахон яна бир эзгу юмушга қўл урди. У вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси раҳбарлари билан келишиб, қишлоғи яқинидаги икки гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, янги кўчатчилик майдонини ташкил этди. Бу ерда турли мевали дарахт кўчатлари кўпайтирилади. Мўъжазгина участкадан ҳар йили вилоят аҳолисига 18-20 минг туپ кўчат етказилиб берилапти.


Отахон Литвада ўсадиган хаворанг арчани кўпайтириш орузида юрди. Ниятига етди. Ўтган йили кузда шу мамлакатдан хаворанг арчанинг икки килограмм уруғини келтириб, яхши ният билан ерга сепганди. Арчалар кўзга ташланиб қолди. Боғбон келажақда улардан 160 минг туپ кўчат олишни ният қилган.

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига атаб ҳар бир фуқаро 20 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчати экиши ҳақидаги ташаббусга биринчилардан бўлиб қўшилдим, — дейди кекса боғбон Турсунбой ота Убайдуллаев. — Бу жуда савоб иш. Ташаббусга жавобан яна икки гектар кўчатчилик майдонини барпо этишга қарор қилдим. Бу улғ айёмга муносиб тўғам бўлади.

Анорбой НОРКУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

Тармоқ ходимлари ва барча юртдошларимизни кутлуғ айём — Наврўз билан самимий кутлайди.



Ҳамманпизга сизхат-саломатлик, узоқ умр,
Вапан равнақи йўлидаги ишларингизда
омадлар тилайди!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз тараққиётини
муносиб ҳисса қўшаётган соҳа
ишчи-хизматчиларини, барча
юртдошларимизни
ўзгаллик байрами

Наврўз

билан қизгин табриклайди.

● Ёшлар кенгаши фаолиятдан

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши тасарруфидаги аъзолар сони 173 мингдан зиёд бўлиб, шундан 26 минг 447 нафарини таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ёшлар, 10130 нафарини олий таълим муассасалари талабалари ҳамда 74752 нафарини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ташкил этади.



Ҳар жабҳада пешқадам

Икки йил аввал вилоят тармоқ кенгаши қошида Ёшлар кенгаши ташкил этилганди. Утган даврда таълим муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш бўйича 2009-2011 йиллар учун тузилган жамоа шартномалари ва келишувларга қўшимча бандлар киритилди. Баркамол авлод йилида педагог-ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида мингдан зиёд кам таъминланган ёш оилага касаба уюшма ташкилотлари томонидан 18 млн. 246 минг сўмлик, жамоа шартномаси асосида таълим муассасалари томонидан 5 млн. 575 минг сўмлик турли ёрдамлар берилди. Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 185 нафар фарзандига касаба уюшма кўмиталари томонидан 1 млн. 572 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этилди. 293 нафар педагог-ходим санаторий, 32 нафари, шунингдек, 350 нафар талаба-ёш санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитган жамоатчи, иқтидорли талаба-ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. 2010 йилда тармоқ бўйича олий ўқув юртинининг 6 нафар талабаси Марказий кенгаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 22 нафар ўқувчиси вилоят кенгашининг устама стипендиясига сазовор бўлди.

Хисобот-сайтлов даврида касаба уюшма кадрлари таркибини чуқур таҳлил қилиб, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини чуқур биладиган ходимларни жалб этишга бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратилди. Хусусий таълим муассасаларини касаба уюшмаси аъзолигига жалб этиш бўйича ҳам тарғибот ишлари қизигандан қизиб бормоқда. Натичада, тармоқ бўйича нодавлат ташкилотларини касаба уюшмасига жалб қилишда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Марҳамат туманидаги «Турон» ўқувчи-ёшлар ва ногиронлар ишлаб чиқариш ўқув ва савдо маркази ҳамда Хонобод шаҳридаги «O'g'iljon asl fahvna'i» МЧЖ ходимлари орасида касаба уюшма афзалликларини ҳақида тушунтириш ишлари самараси ўлароқ касаба уюшма ташкилоти тузилди. Касаба уюшмасига жалб этилган 30 нафар ходимдан 20 нафари ёшлар.

— Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ Андижон вилоят филиали билан ҳамкорликда вилоятдаги касб-хунар коллежаларининг яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 97 нафар битирувчисига бошланғич сармояни шакллантириш учун 117 млн. 700 минг сўм имтиёзли кредит берилди, — деди вилоят Ёшлар кенгаши раиси Ж.Мамарасулов. — Шунингдек, касб-хунар коллежалари ўқувчилари билан белгиланган дастур асосида Андижон, Шахрихон, Олтинкўл туманлари ва Хонобод шаҳрида учрашувлар ташкил этилиб, битирувчиларга кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тарқатилди.

Ёшлар кенгаши таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва бандлиги кафолатларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, жорий йилда ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида белгиланган режа асосида иш олиб бориб, ёшларга гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оила аъзоларини эътибордан четда қолдирмаслик учун бор имкониятларини ишга солимоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги 23154 нафар ёшлар ҳам алоҳида эътиборда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртинларида «Сиз қонунни биласизми?», «Ўзбекистон — ягона Ватанимиз», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида тадбирлар, умумтаълим мактабларида вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида турли учрашувлар ташкил этилмоқда. «Шунқорлар» спорт мусобақаси, «Менинг имкониётларим», «Компютер билимдонлари», «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари, «Заковат» фестивалининг юқори савияда ўтиши фикримизга далилдир. Байрам саналарини ёшлар билан кўтаринки руҳда ўтказиш аниқанага айланган. Рус, уйғур, корейс, қирғиз, арман марказлари билан ҳамкорликда тайёрланган маданий тадбирларни айтмайсизми! «Энг намунали талабалар турар-жойи» кўрик-танловида Андижон Давлат тиббиёт институти ғолиб бўлди.

Ёшларнинг жисмонан бақувват бўлишида жисмоний тарбия муҳим аҳамиятга эга. Вилоят микросида ўтган спорт мусобақалари, турли лойиҳавий тадбирларга 81 минг нафардан зиёд ёшлар жалб этилди. «Универсиада — 2010» мусобақасида Андижон Давлат тиббиёт институтининг энгил атлетика бўйича қизлар жамоаси фахрли иккинчи, волейбол бўйича учинчи ўринни эгаллашди. «Камолот» кубоги учун талабалар ўртасида ўтказилган баҳсларда Андижон Давлат тиббиёт институти жамоаси шахмат бўйича 2-, шашка бўйича 1-ўрин соҳиби бўлишди.

Ёшлар кенгаши аъзоси, Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси Фароҳиддин Абдуллаев Қирғизистон жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чеқанларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда жонбозлик кўрсатгани ва Қорасув шаҳар марказий стадионида жойлашган қочқар лагерда тиббий хизмат шифокори сифатида хизмат қилгани учун «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Кези келганда, қаровсиз боғлар, кўчалар тозаланиб, 20 дондан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари ҳам якунланиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакилиги тасарруфида 2192 нафар ёшлар бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Вакилликнинг Ёшлар кенгаши вилоят ҳокимлиги, Республика байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» шиори остида тадбир, АДҲда «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари; мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ташкил этди.

— «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими бошланғич касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда ноанъанавий тадбир уюштирдик, — деди вакилликнинг Ёшлар кенгаши раиси С.Варрахон Хошимова. — Аҳолига хизмат кўрсатадиган автобусларга «Ёш лидерлар ассоциацияси» фаоллари чиқиб, йўловчиларга байрам буклетлари, кичиктойларга совғалар улашди. Вилоятнинг чегара худудлари саналмиш Марҳамат, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Булоқбоши туманларида ҳам «Мустақиллик берган тинчлик» мавзусида тадбирлар уюштирилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Жаҳондануфузи тобора ошиб бораётган
Ўзбекистонимиз аҳлини ва
меҳмонларини уйғониш, яшариш, нафосат
ва меҳнат байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

муносабати билан самимий қутлайди.
Халқимизга фаровонлик, тинчлик ва омонлик,
бахт-саодат, иқтисодий ҳамда ижтимоий
ислохотларни амалга ошириш йўлида
муваффақиятлар тилайди.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилидаги
ишларимизда ҳамisha омад ёр бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Азиз халқимиз ва соҳа
ходимларини юртимизга
ташриф буюраётган
Наврўз айёми билан чин
дилдан табриклайди.
Сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт, омад
ҳамиша ёр бўлсин.
Юртдошларимиз
дастурхонини қут-барака,
юзларини табассум ҳеч
қачон тарк этмасин!



«Оқ-тош санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Соҳа ходимлари ва барча
юртдошларни Наврўзи олам билан
самимий муборакбод этади ва
маъқур сиҳаттоҳда дам олиб,
даволаштишга таклиф қилади

Санаторий Тошкент шаҳридан
65 км. узоқликда жойлашган.

Худуди кенг
ўрмонзорлар билан ўралган
бўлиб, бу ерда Оқ-тош ва
Айиксой дарёлари оқиб ўтади.
Мусаффо тоғ ҳавоси, тошдан
тошга урилиб, оқиб ўтадиган
дарёлар суви нафас аъзолари
касалликлари билан хасталанган
беморлар учун даволаш
омили саналади.
Даволаш учун кўрсатмалар:
нафас аъзоларининг туберку-
лёзга алоқадор бўлмаган
касалликлари.

Даволаш комплекси:
физиотерапия, сунъий ванналар
(игнабаргли, тузли), сауна,
парафин ва озкерит билан
даволаш, массаж, жисмоний
тарбия, пархезли овқатланиш-
дан иборат. Санаторийда шинам
безатилган, барча қулайликлар-
га эга, бир-икки ўринли хоналар
мавжуд. Кино зали, кутубхона,
спорт майдончалари дам олув-
чиларга мунтазир. Экскурсия-
лар ташкил этилади.

Санаторий худудидидаги маи-
ший хизмат кўрсатиш хоналари,
савдо шохобчалари ва шарқона
чайхона Сизнинг хизматингизда.



Шифо масканимизга марҳамат!
Манзилимиз: Тошкент вилояти,
Бўстонлиқ тумани Оқ-тош қишлоғи.
Телефон: 8(37074) 22983

Семинар-кенгаш

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан Нукусда семинар-кенгаш ўтказилди. Унда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида режалаштирилган тадбирлар ҳамда автотранспорт соҳасида тадбиркорлик билан шугулланаётган шахсларга солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиш ҳамда бошқа янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Унда Молия вазирлиги, автомобил ва дарё транспорти агентлигининг масъул ходимлари ҳамда ушбу ташкилотларнинг Қорақалпоғистондаги бошқармалари вакиллари, ИИБ ЙХХБ ходимлари иштирок этишди.

Йўлингиз беҳатар бўлсин!

Семинар-кенгашда тадбиркорларга мамлакатимизда қулай шароит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш каби қатор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратилди. Хусусан, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, кичик корхоналар ташкил этиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кредитлар бериш механизмини такомиллаштириш каби бир қатор вазифалар киритилгани таъкидланди.

Жорий йилда ушбу мақсадларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобил транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорлар қабул қилинди. Иштирокчилар иккала қарорда назарда тутилган янги шарт-шароитлар юзасидан барча саволларга жавоб олишди.

М. ТҲАБОЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши Бухоро вилоят вакилликнинг қўшма қарорига асосан «Вилоятнинг энг яхши бўлими» номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг биринчи босқичига яқун ясалди. Танловнинг асосий мақсади бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида хизмат сифатини янада яхшилаш ва самарали босқичга кўтариш, амалга оширилаётган ишларни комплекс ўрганиш, замон талабига мос инновацион технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларининг касбий маҳоратини, масъулиятини ошириш ҳамда янгиликка интилувчанлигини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга қаратилди. Бундан ташқари, бўлим биносининг умумий кўриниши, ён-атрофларининг ободонлаштирилганлиги, нор-

Энг яхши бўлим

тган ишларни комплекс ўрганиш, замон талабига мос инновацион технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларининг касбий маҳоратини, масъулиятини ошириш ҳамда янгиликка интилувчанлигини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга қаратилди. Бундан ташқари, бўлим биносининг умумий кўриниши, ён-атрофларининг ободонлаштирилганлиги, нор-

Кўрик-танлов

матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги, архив хоналари, пенсия, нафақа ишларининг ҳолати ва ҳатто ходимларнинг кийиниш маданияти ҳам инobatга олинди. Хайъат аъзолари Низомда қайд этилган талаблар Ромитан туман бўлимида юқори даражада ташкил этилганини инobatга олиб, уларни биринчи ўринга лойиқ деб топди. Ик-

кинчи ўрин Когон, учинчи ўрин Олот ва Жондор туманларига насиб этди. Фолиблар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вилоят вакиллиги, Халқ банки туман ва шаҳар филиалларининг қимматбаҳо совға ҳамда дипломлар билан тақдирланди. Биринчи ўринни эгаллаган Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ромитан туман бўлими танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўз муҳбиримиз

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА САНАТОРИЙСИ»
масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси

Тармоқ ходимлари ва барча фуқароларни Наврўз байрами билан чин дилдан табриклайди ва ушбу сўхатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади. Санаторий — иклимий ва балнеологик курорт. У Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликда, шаҳар чеккасидаги сўлим масканда жойлашган.

Даволаш омиллари: иқлим ва сульфат-хлорид-натрийли сув. Улар буйрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм қилиш аъзолари касалликлари учун жуда фойдали.

Бу ердаги замонавий ташхиллаш ва даволаш хоналари, физиотерапия, лазертерапия, балчиқ билан даволаш, жисмоний тарбия, уқалаш, фитобар ва парhezли овқатлантириш соғлигингизни тиклашга хизмат қилади.

Етоқ бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат. Ошхона, клуб, спорт майдончалари, кутубхона, музей, бассейн ва сауна Сизнинг хизматингизда. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳатлар уюштирилади.

Шифо масканимизда Сизни кутамиз!
Манзилимиз: Бухоро шаҳри «Ситораи Мохи Хоса санаторийси» МЧЖ
Телефон: 8(365) 228-50-66, 228-50-26

Банклар азал-азалдан иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланиб келинган. Бу бежиз эмас, сабаби мазкур молиявий муассасалар йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан тортиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Замонавий тўлов турига кенг йўл

Айни пайтда республикада фаолият курсатаётган банклар ҳам иқтисодиётимизнинг асосий барометрларидан бирига айланиб бормоқда. Бу ҳақда сўз кетганда «Ипотекабанк» АТИБ ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти хусусида алоҳида сўз юритиш мумкин.

— Мазкур банкнинг Миробод филиали бошқарувчиси ўринбосари Азимжон Ваҳобовнинг таъкидлашича, «Банклар тадбиркорнинг ҳамқори ва ишончли таянчи» шioriга асосланган ҳолда тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги кредитлар ажратиш билан бир қаторда «J-USB» дастури асосида кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш, аҳолини уй-жой ва уй-жой жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ҳудуддаги савдо, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига терминаллар ўрнатиш бўйича ҳам эътиборли ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўтган вақт мобайнида мавжуд 166 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг 110 таси терминаллар билан жиҳозланган. Банк миқозларига тарқатилган пластик карточкалар сони эса 11 минг 374 тага етган. Натижанда, ўтган сарҳисоб даврида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар миқдори 18979534 сўмни ташкил этган.

Айни пайтда банк мутахассислар томонидан қолган савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарини терминаллар билан жиҳозлашга қизгин киришилган. Бу эса мазкур соҳалардан тушаётган маблағларнинг банк орқали айланишига хизмат қилмоқда.

Пластик карточкалар орқали коммунал хизматлар учун амалга оширилган тўловлар миқдори 2010 йилда 15 млрд. 609 млн. сўмни ташкил этганлиги ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Бундан англаш мумкин, пластик карточкаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни бекуёсдир. Шунинг учун ҳам банк мутахассислари ушбу замонавий тўлов турининг қамровини янада кенгайтириш учун жиддий киришилган.

Д. МУСАЕВА

**Таълим ва қан ходимлари
касба уюшмаси Андижон
вилоят кенгаши**

**Ўзбекистон халқини ва соҳа
ходимларини янгилашни ва яшарини
айёми — Наврўзи олам билан
самимий муборакбод этади.
Хонадонингизга қут-баракка,
ўзингизга баҳорий кайфият ҳамроҳ
бўлишини тилайди.**

**«Бухорогазсаноатқурилиш»
очиқ акциядорлик жамияти
маъмурияти ва касба
уюшма қўмитаси**

**Ўлкамизга ўзгача фарзат тароват
билан кириб келаятган нафосат ва
ўзгаллик байрами — Наврўзи олам
билан соҳамиз ишчи-хизматчиларини,
халқорларимизни, бунёдкор
халқимизни ечимий қутлайди.
Юртимиз ободлиги, халқимиз
турмуши фаровонлиги йўлида
латонат кўрсатаётган қадрли баланд
юртдошларимизга сўхат-саломлик,
оилавий бахт тилайди.**

● **Қишлоқ саноати**

Корхонани шакллантириш осон кечгани йўқ. Унга жой топиш, мутахассис кадрларни жалб этиш, техника харид қилиш... Ҳар ҳолда булар ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Сазй-ҳаракатларимиз пировардида эски техникалар таъмирланиб, яроқли ҳолга келтирилди. «Аму-Сурхон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарияти кўмаги билан корхона учун Узун тумани марказидан жой ажратилди. Техникалар сақланадиган бостирмалар барпо этилди. Дастлаб 4 та «41-11» русумли тросли эксковатор ва 1 та булдозер билан иш бошланган бўлса, кейинчалик Хитойдан лизинг асосида замонавий 9 та эксковатор, 2 та булдозер, 2 та авторейлер, ёпиқ ва ётиқ дренажларни тозалашда ишлатиладиган «ПТД» русумли бир жамланма агрегатлар харид қилинди. Бугунги кунда техникаларимиз сони 30 тага етди.

Эл-юрт хизматида

Ўтган йилги ишлар салмоқли. Сурхондарё вилоятининг Узун, Денов, Сарюсий, Шўрчи, Олтинсой ва Бандихон туманлари ҳудудида 2 миллиард 389 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ва мелиоратив ишлари уудланди. Жумладан, давлат мелиорация жамғармаси буюртмасига асосан Бандихон туманида 5 километр узунликдаги К-9 коллектори барпо этилди. Шунингдек, Қизирик, Шеробод туманларига сув етказиб берадиган Шеробод машиналашган каналга параллел 38 километр узунликдаги коллектор қурилди. Бу жойларда 953,6 миллион сўмлик ёки 897,6 минг метр куб тупроқ ва ер

ишлари бажарилди. Олтинсой, Денов, Шўрчи, Бандихон туманлари деҳқонлари, боғбонлари ва шахсий хонадон эгалари деҳқончилик, боғдорчилик соҳасида эришган муваффақиятларда бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, албатта. Масалан, туманларда 121,7 километр узунликдаги зовурларни таъмирлаш, тиклаш ва тозалаш ишларида фаоллик кўрсатдик. Бундан ташқари, мутахассисларимиз Олтинсой туманидаги «Чилмироб», Узун туманидаги «Дубай» ва «Файзобод», Сарюсий туманидаги «Хасанхон» ҳамда «Сарижўй», Денов туманидаги «Хазорбоб» каналларини таъмирлаш, тозалаш, қуриш бўйича умумий

баҳоси 414,6 миллион сўмлик ёки 209 минг метр куб тупроқ ишлари амалга оширилди. Эллик нафар ишчи-хизматчидан иборат жамоамизнинг бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилаётганлиги боис ўтган йил бошқа қишлоқ хўжалик объектларида ҳам 94,8 миллион сўмлик юмуш бажарилди. Жумладан, Сарюсий туманидаги «Тўпаланг», Олтинсой туманидаги «Обшир» сув омборларида тўғон кўтарилди. 13-қурилаётган корхоналар дирекцияси буюртмаси асосида Шўрчи туманидаги «Хотамтой» каналида капитал қурилиш ишлари адо этилди. Вилоятнинг шимолий туманлари ҳудудида 183,5 километр узунликдаги коллекторлар то-

заланиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бундай ютуқларга эришишда бош муҳандис Носир Раҳимов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Файзулла Мўминов, эксковаторчилар Нурмамат Ашурматов, Мама-ражаб Абдурахмонов, Тоғай Очилдиев, Мухаммади Мустонов, булдозерчи Одил Хидиров, механизация бўлими мутахассислари Улуғбек Баҳриддин, Исмадулло Абдумўминов, участка бошлиқлари Тошмамат Жалматов, Мустон Меликулов ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

Корхона маъмурияти бошланғич касаба уюшмаси билан ҳамкорликда меҳнат кишига яратаётган қулайликлар мақтовга арзигулик. Бажарган ишга қараб рағбатлантириш тўғриси йўлга қўйилганлиги сабабли ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли ишлашига замин яратилди. Улар ҳар ойда ўртача 350 минг сўм миқдорда иш ҳақи олишяпти. Иссиқ овқат ташкил этилган. Ишга қатнаш учун йўл ҳақи тўланмоқда.

Муҳибилло Тўраев,
Узун туманидаги
«Узундавсувмахсуспудрат»
давлат унитар
корхонаси раҳбари

**Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Бухоро
вилоят кенгаши**



Баҳор элчиси, яшариш ва янгилашни айёми Наврўз байрами арафасида Андижон вилояти шаҳар ва қишлоқларида бу йил ҳам «Она ер саховати» савдо ярмаркалари бўлиб ўтмоқда.

Байрамга савдо ярмаркалари...

Шаҳар марказидаги Алишер Навоий номи истироҳат боғи ёнида савдо расталари ташкил этилиб, уларда фермерлар ва савдо-харид корхоналари маҳсулотлари сотувга қўйилган. Маҳсулотлар таннархи тўғридан-тўғри келтирилгани учун бозордагидан анча арзон. Ярмаркада 100 хилдан ортиқ маҳсулотлар таклиф этилмоқда. Ун, шакар, усимлик ёғи, макарон, сут-ғўшт маҳсулотлари хариддорларга манзур бўлиб, уларда байрамона кайфият уйғотмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан барча халқасларни, ёш авлодни камолот сари ботлаётган меҳри қарё Ҳасанларни чак қилган қутлайди. Метикбол сари интилаётган халқамизга фаровон ҳаёт, яқин келтирилган меҳнат, ҳушқайфият ёр бўлишини тилайди.

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

**Барча юртдошларимизни
НАВРЎЗИ ОЛАМ**

**билан табриклайди.
Меҳнатсевар элнинг
дастурхони доимо тўкин,
ҳаёти фаровон бўлсин.**

Серқуёш диёримизнинг тинчлигига кўз тегмасин.

Бухоро вилоят «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Соҳа ишчи-хизматчиларини, ҳамкорликда меҳнат қилаётган жамоалар аъзоларини, барча юртдошларимизни уйғониш, яшариш, янгилашни байрами — **Наврўзи олам билан муборакбод этади.** Қутлуғ айёмда улуг ниятларни рўёбга чиқариш учун интилаётган юртдошларимизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. **Байрам сурури ҳеч бир хонадонни тарк этмасин!**



● **Драмиздаги одамлар**

Сувчи қадрлари

Когон тумани «Янги ҳаёт» ҚФЙ ҳудудидаги «Сухроб замини» фермер хўжалигининг тажрибали деҳқони Гулмурод Эшқувватовга Ғиждувонда ўтказилган сувчилар анжуманида совға топширилди.


Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши билан ташкил этилган тадбирда унинг хизматлари эътироф этилиб, энг илғор сувчилар қатори муносиб тақдирланди. 30 йиллик тажрибага эга Г.Эшқувватов кейинги 5 йил мобайнида Ҳаким Эрматов бошличилигидаги «Сухроб замини» фермер хўжалигида фаолиятини давом эттиряпти. Ўтган даврда пахта ҳосилдорлиги 25 центнердан 37 центнерга етказилди. Фаллачиликдаги ютуқлар бундан-да зиёд. Ҳосилдорлик ошиши жараёнида даромадлар салмоғи ҳам тобора кўпаймоқда. Бундай ютуқларда дала зарғари Гулмурод Эшқувватовнинг ҳам хизмати бекиёс.

Жорий йил ҳосилининг баракали бўлиши учун Г.Эшқувватов шогирдлари Шавкат Хайдаров, Акрам Бобононов билан алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Улар ҳозиргача чигит экиладиган 62 гектар майдоннинг шўрини 2 марта ювишди. Айни кунларда эса 27,5 гектар майдондаги галла «шарбат»лаб сўғорилмоқда. — Ёгингарчилик камайиб, сув танқислиги кўтилаётган бу йилги шароитда сувчи қадрлари янада баланд баҳолашни зарур, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Абдусалом Раҳмонов. — Жойларда сувчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш талаб этилади.

Ўз мухбиримиз

**«СМ-Ўзбекистон» қўшма
корхонаси маъмурияти ва
касаба уюшма кўмитаси**

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини қадимий анъаналаримизнинг ўчмас ёғдуси, миллий байрамимиз Наврўз билан қутлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барчангизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди. Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!



● **Тиру бадавлатларимиз**

У фарзанду набираларини дoston айтиб, эзгуликка ўргатган, ҳаётий ақидаси бўлмиш ҳалоллик ва ростгўйликка бошлаган инсон.

Чамбил буванинг шукронаси

Олти ойлигида онасиз қолган, ҳоласини эмиб катта бўлди. Набираларидан бирига онаси Яхшигул момонинг исмини бергани ҳам бежиз эмас. Яхшигулни «Энам менинг» деб меҳр-ла эркалайди, ҳозир ҳам Яхшигулга онаси ёки отаси қаттиқроқ гапирса, «Энамни уришманглар», дея росткамига ҳафа бўлади. У 12 ёшидан фронт ортида меҳнат қилди. Бир умр сувчилик қилди, митроблик маҳорати ортидан обрў-эътибор топди.

Қайси шаҳарга бормасин, бозордан энг яхши кетмонни сотиб олиб келарди. Уйда саккиз-ўн та кетмонни бўлса-да, оиласини шу касб орқали боқгани учун кетмонларга меҳри бўлақча унинг. Гоҳида қўшиннинг болалари кетмон сўраб чиқишади. Шунда Бойбўта бобо уларга кетмон тутқазиб, сўрайди:

— Ҳўш, ўғлим, кетмонга қара-чи, нимани кўряпсан?

Бола офтобда ялт-юлт қилаётган кетмонга қарайди. Шунчалик меҳр билан тозаланганки, кетмонда ўзининг аксини кўради.

— Нимани кўряпсан? — қайта сўрайди бобо.

— У ақсимни.

— Ҳа, баракалла. Қайтариб олиб келганимда ҳам шундай ҳолатда бўлсин...

Чироқчи тумани Қажрамон қишлоғида яшовчи 85 ёшли Бойбўта бобо Мухаммадиев ана шундай инсон. У турмуш ўртоғи Мусаллам момо билан фароғатли кунларга етказганига Яратганга шукрона айтади.

— Уруш йилларида биз кўрган кунларни душманамга ҳам раво кўрмайман, — дейди момо.

— Одамлар ўтларнинг илдизини топиб, ҳовончада туйиб ейишарди. Ҳозирги дориломон кунларни, ободлиқни, тараққиётни кўриб, қувончим ичимга сиғмайди. Саккиз нафар ўғил-қиздан 37 неварга, 52 чевара кўрдик. Худога шукр, невараларимнинг барчаси ақлли-хушли. Сарварим котиб бўлса, Мустафо муҳандис, Умаржон кураш бўйича республика биринчилиги совриндори, Яхшигул шахмат бахсларида тенгқурлари аро голиб... Утган йили катта куёвимиз Абдурахмоннинг муборак ҳаж зиёратига бориб келгани ҳам Мустақиллик шарофати...

Бойбўта бобонинг ўғилларидан Боймурод ота касбини танлади. У ҳам ер билан тиллашади. Катта ўғли Унғбой тadbиркор, кенжаси Хусанжон эса алоқа ходими.

Бойбўта бобони барча набиралари «Чамбил бува» деб қакиради. Ростдан ҳам, у кишининг Гўрўглию Алпомишини эшитсангиз, ёнидан жилмай қоласиз. Яқинда бир чеварасига Мухаммад деб исм қўйиб, ўз отасининг номига бўлган хурматини, ота ва онага бўлган эҳтиромини яна бир бор ифода этди.

Бобо гўзал замонасиз мадҳини юрак-юртадан куйлайди, дoston қўшиққа уланади:

**Кўш ерга берган нурига рози,
Дарё бизга берган сувига рози,
Ватан биздай ўғил-қизига рози,
Истиқлол давридай даврон бўлмаган.**

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

● **Маънавият сабоқлари**

Одам боласи дунёга шунчаки келмайди, балки ҳазрат Навоий айтганларидек, камолотга етишиш учун умргузаронлик қилади.

Тошкентлик Фарҳод Мирзаҳимов афғон урушида бўлган. Яраланиб госпиталга тушган.

Ёлғиз ўғил эмасми, дардини онам кутара олмайди, деб уйига «соғ-омонман, ҳадемай дийдор кўришамиз», дея хат ёзган. Хатни олган онадан эса, аҳволинг тузукми, дардинг оғир эмасми, деган жавоб хати келган. Бундан ҳайратга тушган Фарҳод онасига, яраланишимни қандай билдингиз, деб хат йўллаганида, хатингни хидлаб билдим, ундан дори хиди келиб турарди, деган жавобини олган.

Ҳа, ҳамisha сезгир, фарзандига жон ипи боғлиқ, онанинг!

Ватан сўзи олдида Она сўзининг қўшиб айтилишида ҳам ҳикмат бор. Йўқса, Навоий «ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» — деб ёзармиди. Хиндистонда империя яратса-да Ватандан кўнгли узолмасдан кўз юмармиди Бобур Мирзо?..

Чиндан ҳам онасиз инсон, Ватансиз бахт йўқ. Оналар фарзандининг дарду азобини ҳам, бахту қувончини ҳам туш қўриб-да, хид билиб-да, кўзи учиб, кўнгли хираллашиб ёки ёришиб-да... билишади.

Боласининг кечмиш-кечирмишига кайфияти ўзгариб қўшилади.

Она-заминимиз ҳам биз фарзандларини кийдириб-тўйдирсам, сўнги нафасда ўз бағримга кўйдирсам, дейди.

Тан олиш керак, биздек жаннатмакон юрт ҳеч қаерда йўқ. Сабаби, ёзу кузи, баҳору киши ҳеч ерда биздагидек тенгликда, узи ойнинг нари-берисига кечмайди. Мевазор боғлари бизникидек баҳорда авжланиб, ёзда мавжланиб, кузда болга тўлиб, қишда куч-қувват йиғмайди...

Она сайёрамизда Ўзбекистон олти мамлакатнинг ўз ҳудуд, чек-чегараси борлигига шукроналар қиламан. Мустақилликнинг илк кунларида курпа-тўшагини кўтариб, чет элга жўнаб кетган Белла исмли эски танишимнинг:

— Умида, Тошкент нонини соғиндим, мен учун ҳам Тошкент нонидан иссиғида тўйиб-тўйиб егин, — деб

кўнгирик қилганини эсламан.

— Тошкентча қилиб бу ерда ҳам нон ёпмоқчи бўлдим. Аммо сабаб ундами, ўтинида сувидами, тузида, сира ҳам Тошкентникига ўхшамади...

Ухшамайди ҳам, аста шивирлайман мен. Четга кетиб нима қилардинг, дугонажон? Ўз Тошкентинг, туғилган маҳалланг бор эди. Сен-ку майли-я, бойлик истаб, енгил-елпи ҳаёт излаб бобоси-ю момоси ётган она макон, ота юртини ташлаб

қетаётган баъзи бир ношукур инсонларни айтмайсанми? Уларда гурур йўқ, йўқса, кимнингдир кўлига, кимнингдир кўнглига қараб, ватансиз юрмасди. Ўз уйини яшнатиб, ўз юртида тер тўқарди, амма-холаси-ю тоға-жиянининг яхши-ёмон кўнида ёнида турарди...

— Ўзбекона оқибат оламда йўқ, — деган кўнгирикдек овози жаранглайди яна қулгимда Белланинг. — Ўғилларим катта бўлиб қолишди, улар ўзлари билан ўзлари овора. Сизларда инсон 40 ёшдан ўтадимми, 60 ёшга етдимми, ўзидан катталар: отаси, акаси, амма, холаларининг хурматини жойига қўйиб, улар билан бамаслаҳат яшайди. Ўғилларим катта бўлиб, ўзларича иш тутадиган бўлишди, бу ерда инсон улғайган, ўзи учун ўзи яшашга ошпади. Ўзбеклардаги каби бир-бирига меҳру оқибат йўқ...

Она сифатида Белланинг кайфиятини англадим ва

Ишлайман деса, ўзимизда ҳам иш тўлиб-тошиб ётибди! Уйимизда мўъжазгина иссиқхона бор. Чека вилоятлардан Тошкентга иш излаб келган икки йигит помидор экиб, парваришида кўмаклашди. Иш тугаб, ҳисоб-китобдан кўнгли тўйган йигитлар биз ҳам энди уйда шундай иссиқхона қурагимиз, йигирма сотиҳ еримиз бекор ётибди, шунча даромаддан қолаётган эканмиз, деб кетишди.

Ҳа, қаловини топса қорда ҳам қулупни пишади. Буни ўзбегимга ҳадеб таъкидлаш шарт эмас, ўз фаросати, сезгисини билан илғаб олади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бойликлари-ю сеп-бисотлари мужассам экан, демак, эртага ҳаёт бундан-да яхши бўлади.

Умида АБДУАЗИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ЎАХОР ЁЙРАМИ — НАВРЎЗИ
ОЛАМ БИЛАН
ҚИЗГИН ТАБРИКЛАЙДИ!
ЎУҚЛАМНИНГ ГЎЪЛА ТАРОВАТИ
ЯНГИЛЕ ҚУНГЛИНГИЗДА ХАМИША
ЎАХОР БЎЛСИН.
ОМОНЛИК ВА НАВҚИРОНЛИК СИЗНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРҚ ЭТМАСИН!

Академик Р.Р.Шредер номидаги республика мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиали маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

*Соҳа итти-ҳодимларини, барча юртдошларимизни
уйғониш ва яшарини айёни — Наврўзи олам
билан қутлайди.*

*Ўлкамизни боғ-роғга айлантираётган бунёдкорлар-
га куч-қувват, ҳуш кайфият, оилавий
бахт-саodat тилайди.*

*Соҳибкорларимиз яратётган серфайз
ўнмалар кенгайверсин!*

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти касаба уюшма кўмитаси

Баркамол авлодни тарбиялашда фидойилик кўрсатаётган устоз-педагогларни, эртамининг ишончли эгалари — талаба йигит-қизларни кириб келаётган умумхалқ байрами

Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, ижодий юксаклик ва шахсий ҳаётингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қолади.

Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган ҳамкасбларни қутлуғ шодиёна — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси ўз аъзоларига доимий гамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояланishi, уларни соғломлаштириш, иш ва дам олиш шартларини яхшилаш ва фарзандларига гамхўрлик кўрсатиш касаба уюшма кўмитасининг диққат марказида.

Кам таъминланган оила фарзандларига ўқув хуроллари олиб бериш учун ўтган йили 1 млн. 300 минг сўм, ходимларни рағбатлантириш учун 500 минг сўм, кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож 61 нафар ходимга 1 млн. 650 минг сўм, ишчи ходимлар фарзандларини ёзги оромгоҳларга дам олдириш учун 1 млн. 817 минг сўм сарфланди.

Жорий йилда тиббиёт бирлашмаси маъмурияти билан ҳамкорликда кўчат ва сабзавот етиштирадиган иссиқхона барпо қилиниб, бирлашма ичиндаги йўлларга асфалт ётқизилди. Спорт майдончаси ташкил этилди. Ободонлаштириш ва тозалик ойларида бирлашма атрофида 2065 туп мевали ва 850 туп манзарали кўчатлар, 650 та гул ниҳоллари ўтқизилди.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кўмитаси фаоллари бирлигида ногиронлар, пенсионерлар ҳолидан хабар олинди. Келгусида ҳам касаба уюшма аъзоларига гамхўрлик ва эътибор ошаверлади.

Баҳрон АБДУЛЛАЕВ,
туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 21 апрел куни аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 45-уйда жойлашган, «Toshkentvno kombinati» ОАЖ балансидаги 1980й.и.ч. д.р 10А1953, бошланғич нархи 7 499 772 сўм бўлган «Зил 138А»; 2005й.и.ч. д.р 01/262МВА, бошланғич нархи 15 143 526 сўм бўлган «Ласетти»; 1992й.и.ч. д.р 01/243КАА, бошланғич нархи 6 293 066 сўм бўлган «КАВ3 397Б»; Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган, «Ўзбекистонсаноат» ДАК «Ишлар бошқармаси» УК балансидаги 2003й.и.ч. д.р 10У2407, бошланғич нархи 11 896 392 сўм бўлган «Опел Омега 2,6»; 2004й.и.ч. д.р 01/859ДВА, бошланғич нархи 6 881 329 сўм бўлган «Нексия»; Донск; 2005й.и.ч. д.р 10ВС193, бошланғич нархи 6 713 841 сўм бўлган «Нексия GLE» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Бюджетга қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридан закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шаъхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб-рақмига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичнда олдинсотида шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Маъжур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафтаталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А»-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг д.р 10ВВ320 бўлган «Нексия» — 7 700 000 сўмга; 3 та «Дамас» д.р 10ВВ836 — 5 100 000 сўмга; д.р 10А0432 — 4 470 000 сўмга; д.р 10АУ251 — 4 470 000 сўмга; Марказий аэрогеодезия корхонасининг д.р 01/8310АА бўлган «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли автотран — 16 800 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д.р 10АН422 бўлган «ГАЗ-31029» — 3 600 000 сўмга; «DAVLAT BELGISI» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент Босма фабрикасининг д.р 10У2973 бўлган «ГАЗ-3102» — 7 500 000 сўмга; «Toshkentvno kombinati» ОАЖнинг д.р 10АТ924 бўлган «ЗИЛ-138А» — 3 350 000 сўмга; «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйининг д.р 10АВ257 бўлган «Дамас» — 5 640 000 сўмга ҳамда «Тошкентлоқ-маш» ОАЖнинг д.р 89-46 бўлган «Т-28х4» русумли трактор 880 000 сўмга сотилганини маълум қилади.

Кўрғазма

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўрғазмалар залида 45 та олий ўқув юрти ва 10 дан зиёд ўқув марказлари томонидан ёшларнинг касб танлашлари, уларни ҳар хил хунарларга жалб қилиш мақсадида кўрғазма ўтказилди.

Таассурот

Унда талабалар учун чет давлатларда ўз мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттиришга доир йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Давлатимиз томонидан бизларга тақдим этилаётган бундай имкоқиятлар барча ёшларга кенг кўламда илм олиш учун шароит яратиб берилганидан далолат беради.

Гулчеҳра ўрмонова,
Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактабининг 1-курс талабаси



ЗИРА БАНК
Азиз ватандошлар!

Яшариш, янгиланиш ва эзгулик байрами — Наврўзи олам муборак!
Наврўз халқимизнинг тенгсиз закоси тимсоли ҳамдир.
Шундай экан, у билан боғлиқ орзу-ниятларимиз ҳам юртимиз тараққиётига, иқтисодимиз юксалишига хизмат қилсин.
Баҳорнинг қадимий ва навқирон айёми хонадонингизга хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака, эзгу амалларингизга ривож, яқинларингизга сиҳат-саломатлик келтирсин.
Байрам шуқуҳи, Наврўз кайфияти йил бўйи барчамизга ҳамроҳ бўлсин!



ИПОТЕКА-БАНК

Сизни яқинлашиб келаётган баҳор байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, шодлик тилайди.

Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Чилонзор туман ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Қазимходжаев Азам Аҳмаджанович номига берилган № 1083 ф рақамли руҳсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти, Булунғур тумани ИИБ томонидан 1989 йил 17 октябрда тузилган Нуридудлаев Санжар Аҳрор ўғлига 2005 йил 17 октябрда берилган СЕ 2154929 фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

НАВРЎЗ ТАВСИФИ

ХI асрнинг истеъдодли шоири Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим») асарида баҳор фасли тасвири

*Эса келди Шарқдан баҳорнинг оли,
Оламагачи очилди жаннатнинг йўли.*

*Бу бўз ер ипорланди қорлари кетиб,
Безанади олам чирой курсатиб.*

*Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Қурилди янгидан баҳорнинг ёйи.*

*Қўйш қайтди яна келиб ўрнига,
Балиқ куйруғидан (Хут буржи) кўзи бурнига (Ҳамал буржи).*

*Баҳорга етишиб кийинди яшил,
Дарахлар ёпиниб сариқ,
кўк, қизил.*

*Тоғу қир, далалар ўзини қўйиб,
Ясади бутунлай яшил-ол кийиб,*

*Минг алвон чечаклар кўкарди шодон,
Ипорнинг ҳидига кўмилди жаҳон.*

*Атиргул ҳидини ёркан сабо,
Бутун дунё тўлди ипорга гўё.*

*Ғоз, оққушу, ўрдак ҳавода шодон,
Ўйинга берилди кувониб чунон.*

*Кўйиш турна кўкда навосин чолар,
Туя карвонидек тизилар чопар.*

*Улар қуш қуқулар ўз эши томон,
Гўзал қиз ошигин чорлагансимон.*

*Кўйиш айтди каклик гўзал тоғ ора,
Қизил озги қондек, қоши қол-қора.*

*Қулоққа чалинар қора зог сози,
Гўё қиз нидоси каби овози.*

*Чечак ора булбул юраркан шодон,
Ширин бир кўйишқа кўмилди жаҳон.*

*Кийик, оху ўйнар чечаклар узра,
Буғулар-чи, ўйнар чечаклар кеза.*

*Қовоқ солиб осмон кўзи ёш сочар,
Чечак, майса кувноқ, қулиб юз очар.*

*Чиройга ўралган қўқатлар ўзи,
Яшилга беланган бу ернинг юзи.*

*Баъзиси ҳидидан берар дилга жон,
Уларнинг исидан мунаввар жаҳон.*

Тўпловчи Худойберди НАЗАРОВ

Ҳамал — амал

Ойсифат момо яна сумалак кўйди. Ҳар галгидек кўни-кўшни, эшитганлар момоникига чиқади-ган бўлишди. Сумалак учун аталган таомга биров бир пиёла мош, биров бир ҳовуч ловия, яна бири ёғ кўтариб чиқди. Момонинг ховлисида ҳар баҳордагидек тўй. Сумалак қовлай деб келган киши борки, барчасини жон қалби билан кутиб олади. Қайнаб чиққан сумалакнинг янги туғилган гўдак ҳидидек маст қилувчи иси етти маҳаллага таралади. Етти қароқчи юлдузи тикка келганда, кўзларига уйқу ёпишаётган аёллар майин кўйишқашди:

**Сумалак бо пишади,
Қозонга ёпишади.
Сумалак ой доганлар,
Боладек чопишади.**

Кўйишқашди-кўйишқашди уланди. Аёллар тараф-тараф бўлиб мусобақалашди, лапарлар айтишади. Қишлоқдаги катта майдонда қураш, оқ суяк, хўрозлар жанги, варрак учирши каби халқ ўйинлари бошланади.

Саксонинчи баҳорни қарши олаётган Ойсифат момонинг юраги ҳаяжондан ҳапқирди. «Етказганингга шуқур», деди секин пичирлаб, чунки у бундай дорилмомон кунларнинг қадрига ҳаммадан-да кўпроқ етарди. Оғир, нотинч йиллар уни ака-укаларни-ю, ота-онасидан жудо қилган. Аммо момо умид билан яшади, бола-чақали, неварачеварали бўлди.

У баҳорни бошқача яхши кўради. Ҳар йили сумалак солади. Бу билан маҳаллани бирлаштириб, меҳр-оқибат деган туйғунинг борлигини эслатаётгандек.

Димлаб кўйилган сумалак ҳамма келмагунча очилмайди. «Сумалак юзига серҳосил мевали дарахнинг сурати тушибди. Бу йил тўқин-сочинлик бўлади», дейди момо. Ҳаммангиз ниятингизни айтиб-айтиб сумалакдан өнг, ҳамалда қилинган ниятнинг бари амалга ошади. Ахир бежизга ҳамал — амал дейишмайди-да.

Саида ЭШМУМИНОВА

Insonga naf keltirish
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
oily baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'loqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhah:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonasi manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muxallif fikr ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'anasini mumkin.

Т - Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.40

Буюртма Г — 351
21955 nuxxada bosildi
ISSN 2010-5002
1 2 3 5